O'zbekiston Respublikasi
Sirdaryo viloyati
hokimining
QARORI

Республика Узбекистан
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
хокима Сырдарьинской
области

2018 yil "11" декабрь № 548 Guliston sh.

2019 йилда Сирдарё вилояти ҳудудида кўчма савдо фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 июлдаги "Кўчма савдога рухсат бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 233-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 28-сон, 339-модда) ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунининг 6, 14-моддаси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 25-моддаларига мувофиқ **қарор қиламан:**

1. Сирдарё вилояти ҳудудида 2019 йил давомида амал қиладиган:

вилоят Давлат солиқ бошқармаси ва Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази билан келишилган, Сирдарё вилояти ҳудудида кўчма савдо объектлари орқали сотилиши мумкин бўлган товарларнинг рўйхати 1-иловага;

вилоят Давлат солиқ, ички ишлар бошқармалари, қурилиш бош бошқарси ва Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази билан келишилган, Сирдарё вилояти туманлари ва шаҳарлари бўйича кўчма савдо объектларининг жойлашиш схемаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Тасдиқланган кўчма савдо объектлари жойлашиши схемаларига, сотиладиган товарлар рўйхатига тузатишлар киритиш ва кўчма савдо даврини ўзгартириш ушбу бандда белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

2. Вилоят ҳокимлиги девонхонаси (Ш.Норматов) мазкур қарор бир кунлик муддатда туманлар, шаҳарлар ҳокимликларига, тегишли давлат органлари ва ташкилотларига (рўйхат асосида) етказилишини таъминласин.

3. Туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари мазкур қарор етиб боргандан сўнг уч кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизматлари ягона порталида ва ўзларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилишини, шунингдек давлат хизматлари марказларида ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида кўринарли жойга осиб қўйилиши чораларини кўрсин.

4. Ушбу қарор "Сирдарё ҳақиқати" газетасида чоп этилсин ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор 2019 йил 1 январдан кучга киради.

6. Туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари 2019 йил 1 ноябргача 2020 йил учун ваколатли вилоят ташкилотлари билан келишилган, ўз ҳудудида кўчма савдо объектларининг жойлашиш схемалари бўйича таклифларини тайёрласинлар ва 2019 йил 10 ноябргача вилоят ҳокимлигига тақдим этсинлар.

7. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Эшматов 2019 йил 1 декабргача туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари тақдим этган 2020 йил учун кўчма савдо объектларининг жойлашиш схемаларини белгиланган тартибда вилоят ҳокимининг қарори билан тасдиқланишини ташкиллаштирсин.

8. Ушбу қарор кучга кирган кундан эътиборан Сирдарё вилояти ҳокимининг 2017 йил 30 ноябрдаги 543-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Эшматов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими **Ғ. Мирзаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SIRDARYO VILOYATI HOKIMLIGINING MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM №2